

**Аёл киши ўз уйидан фақат  
эрининг изни билангина  
чиқади, агар у изн бермаса  
чиқиш жоиз бўлмайди**

«Аёллар учун махсус дарслар силсиласи» дарсидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



**Муҳаммад Шокир Шариф**



**Таржима: Абдулҳафиз домла**

**Таҳрир: Абу Абдуллоҳ Шоший**

لا تخرج المرأة من بيتها إلا بإذن زوجها فإن

لم يأذن لم يجز الخروج

مقالة مقتبسة من كتاب شرح الأربعون النسائية

[الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча]



محمد بن شاكر الشريف



ترجمة : عبد الحفيظ داملا

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

## Аёл киши ўз уйидан фақат эрининг изни билангина чиқади, агар у изн бермаса чиқиш жоиз бўлмайди

عَنِ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: كَانَتْ امْرَأَةٌ لِعُمَرَ تَشْهَدُ صَلَاةَ الصُّبْحِ  
وَالْعِشَاءِ فِي الْجَمَاعَةِ فِي الْمَسْجِدِ، فَقِيلَ لَهَا: لِمَ تَخْرُجِينَ وَقَدْ  
تَعْلَمِينَ أَنَّ عُمَرَ يَكْرَهُ ذَلِكَ وَيَعَارُ؟ قَالَتْ: وَمَا يَمْنَعُهُ أَنْ يَنْهَانِي؟  
قَالَ: يَمْنَعُهُ قَوْلُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا تَمْنَعُوا إِمَاءَ  
اللَّهِ مَسَاجِدَ اللَّهِ» متفق عليه.

Ибн Умар розияллоху таоло анхумодан ривоят қилинади, дедилар: Умар розияллоху анхунинг аёли бомдод ва хуфтон намозларини масжидда жамоат билан ўқирди. Унга айтилдики: Нимага энди сиз намозга чиқасиз? Сиз Умар бунни яхши кўрмаслигини ёки Умар бунни ёмон кўришини ва ғийра қилишини биласизку! — Ғийра, яъни бизда рашк дейилади. — Рашк қилишини биласиз-ку. У аёл айтдики: Нима нарса уни мени қайтаришдан ман қилади? Айтдики: Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари сизни қайтаришдан уни ман қилади. Ул зот дедиларки: “Аллоҳнинг чўриларини Аллоҳнинг масжидларидан ман қилманглар, қайтарманглар” (Муттафакун алайҳ).

Ислом шариати шахсий бўлсин, ижтимоий бўлсин, эркак ва аёлларга тегишли бўлсин, барча инсонларнинг манфаатларини риоя қилди. Аёл кишини уйда ўтиришга буюрди. Бу аёл учун ҳам,

жамият учун ҳам фойдадир. Шунингдек аёл кишига баъзи бир ҳолатларда, эҳтиёж бўлганда уйдан чиқишга рухсат берди. Бу чиқиш ўзининг ҳожати учун бўлсин, мусулмонлар жамоатининг ҳожати учун бўлсин, Ислом бунга рухсат берди. Лекин, шариати исломия аёл кишига чиқишга, яъни ҳожат учун чиқишга рухсат берган пайтда, муайян аёл кишининг чиқишига тааллуқли бўлган аҳкомларга мувофиқ равишда чиқишга рухсат берди. Агар аёл киши эҳтиёж бўлганда, мазкур қонун-қоидаларга риоя қилиб чиқадиган бўлса, унинг чиқиши бало эмас неъмат бўлади, азоб эмас раҳмат бўлади. Ушбу бобимиздаги ҳадис мазкур қоидаларнинг баёнидаги энг биринчи ҳадисдир. Яъни, аёл кишининг чиқишлиги ҳақидаги қонун-қоидаларнинг ҳақидаги биринчи ҳадис. Бунда аёл кишининг чиқиши учун эрнинг ёки валийнинг изни лозимдир. Аёл киши ўз уйдан фақат изн бериш ҳаққи бўлган; ота, эр, ёки ака қабиларнинг изни билангина чиқади. Ҳаттоки аёл бу чиқиши билан масалан, масжидда намоз ўқиш каби солиҳ амални мақсад қилган бўлса ҳам, агар эр ёки умуман валийси унга изн бермаса ёки уни чиқишдан қайтарадиган бўлса, аёлнинг чиқиши мумкин эмасдир. Балки унга эрга итоат қилиши ва уйда қолиши вожиб бўлади. Бобимиздаги ҳадис мана шунга далолат қилди.

Умар розияллоху анхунинг бир аёли бор эди. У масжидда, жамоат намозида ҳозир бўларди. Умар буни кўрарди ва унинг чиқишини биларди. Шу билан бирга Умар унинг чиқишини қариҳ ҳам кўрарди, ёқтирмасди. Лекин, Умар розияллоху анху аёлини намозга чиқишдан қайтаришга далолат қиладиган бирор сўзни айтмасди. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоху

алайҳи ва салламнинг бу ҳақда ҳадислари бор эди, аёл эса эрининг масжидга чиқишини қариҳ кўришини, уйда ўтиришини яхши кўришини биларди. Бироқ, эри уни чиқишдан қайтармаганлиги учун масжидга боришда давом этди. Шунда аҳли байтлардан бири — бу ерда Ибн Умар бўлиши мумкин — бу ҳақида бу аёл билан гаплашди. Айтдики: Сизни эрингиз бу нарсани қариҳ кўради. У аёл айтдики: Хўп, мени қайтаришдан уни нима нарса тўсяпти? Демак, бундан тушуниляптики, бу аёл биладикки агар Умар хоҳламаса, яъни эр хоҳламаса унга чиқиш мумкин эмаслигини у рози бўлмаса ҳам чиқиб кетавериш мумкин эмаслигини ва у яна билардики, агар эри уни қайтарадиган бўлса, у қайтиши керак эди.

Имом Молик роҳимахуллоҳ «Муватто»ларида Яҳё ибн Саиддан, у эса Умар ибн Хаттобнинг аёллари Отика бинт Зайд ибн Амр ибн Нуфайлдан ривоят қилади, Отика Умар ибн Хаттобдан масжидга чиқишга изн сўрарди, Умар жим қолардилар, яъни жавоб бермасдилар. У айтгардики, яъни аёл айтадики: Аллоҳга қасамки, то сиз мени ман қилмагунингизгача чиқавераман. Умар эса уни ман қилмас эди. Муваттоъни шарҳловчи айтадики: Бу аёлнинг Умар ибн Хаттобдан масжидга чиқишда изн сўрашлиги бу аёл эри уни ман қилишга ҳақли эканини эътиқод қилишига далил бўлади, яъни у шундай эътиқоддаги аёл эди. Агар шундай эътиқодда бўлмаганда эди, изн сўрашнинг ҳеч бир маъноси бўлмас эди. Умар эса жавоб бермасди, индамай қўяверарди. Аёл ўзи билиб масжидга чикмай қўйса, Умар уни қайтармасди. Чунки бу хусусда буйруқ бор эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтгандиларки: «Агар аёлларингиз

сизлардан намозга чиқишга изн сўрасалар, уларни ман қилманглар». Мана шу ҳадисга кўра Умар розияллоху анху аёлини қайтаришликка ботина олмасдилар. Бундан маълум бўладики аёл киши уйдан чиқаётган пайтида эридан рухсат сўрашлиги, изн сўрашлиги лозим экан. Бу гарчи намоз учун бўлса ҳам. Умарни хохламаслигига қарамасдан чиқмас эди. Умар розияллоху таоло анху ҳам аёлини чиқишини қариш кўриши билан бирга бу ишдан қайтармасди. Чунки, Умар розияллоху анху Аллоҳ таолонинг худудлари олдида қаттиқ турувчи эди, яъни тўхтаб қоларди. Чунки, аёлларнинг масжидга чиқишда изн сўрашлари ҳақида бир нечта ҳадислар ворид бўлган ва уларни масжиддан қайтармаслик ҳақида бир нечта ҳадис ворид бўлган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтганларки: «Агар сизлардан аёлларингиз тунда масжидга чиқишга изн сўрасалар, уларга изн беринглар». Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху таоло анхумо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисларини ривоят қилаётган пайтда, яъни «Аёлларингизни масжиддан қайтарманглар, агар улар изн сўрасалар...» шунда Ибн Умарнинг ўғилларининг бирини ғайрати келиб кетди, яъни рашки келиб айтдики: Аллоҳга қасамки, биз аёлларни қайтарамиз! Шунда Абдуллоҳ ибн Умар ўғлига юзландида ва уни жуда ҳам қаттиқ сўқди. Ровий айтадики, мен Абдуллоҳ ибн Умарни бу каби сўқинганини ҳеч эшитмаган эдим. Айтдиларки: Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ман қилманглар деяптилар деб айтсам, сен «Валлоҳи биз қайтарамиз!» — дейсанми?! Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтганларки: «Агар сизлардан бирингиздан аёли

масжидга чиқишга изн сўрайдиган бўлса, уни кайтармасин», демак, ушбу ҳадислар иккита нарсага далолат қиляпти:

**Биринчиси:** Эр учун ўз аёлини масжидга боришдан ман қилиши мумкин эмас. Балки, эр бунга рухсат бериши керак, агар аёл шуни хоҳлайдиган бўлса.

**Иккинчиси:** Аёл киши ҳам агар чиқишни хоҳлайдиган бўлса эридан изн сўрашлиги керак.

Юқорида аёл кишини масжида чиқишлиги «**тунда**» деб муқайяд суратда ҳам келди, мутлақ суратда ҳам келди «**агар изн сўраслар**» деб келди. Бунинг сабаби аксар аҳли илмларнинг раъйларига кўра, аёлларнинг чиқиши фақат кечкурунга чекланган, аёлларнинг масжидга чиқишларида изн сўрашлиги ҳақидаги ҳадис гоҳида муқайяд, яъни «**кечада**» деган сўз билан чекланиб келди. Гоҳида эса мутлақ, яъни бирон бир вақтга чекланмасдан келди. Шунга кўра гоҳи уламолар айтганларки: Кечада изн сўраш керак кундуз бўлса изн сўрашга ҳожат йўқ деганлар. Тўғрироғи, кундузги намозларда ҳам, тунги намозларда ҳам изн сўралади. Лекин, тунги намозлар шубҳага яқин бўлганлиги, яъни қоронғида ҳар хил ҳолатлар рўй бериши аниқроқ бўлганлиги учун тунги намозларга таъкид қилинган. Бу таъкиддан мақсад, гоҳилар аёл кишининг масжидга чиқиши фақат кундузги намозларга чекланган деб ўйлаб қолмаслиги учун, шунинг учун кечкурунни ҳам айtilган. Аммо уйдан то масжидгача бўлган йўл хотиржам, тинч йўл бўлмайдиган бўлса, йўлларда ҳар хил фосиқлар ва бошқалар бўлиши мумкин бўлса, аёл киши ўзи ёлғиз

чиқишлиги яхши эмас. Бирорта махрамининг ҳамроҳлигида чиқиши лозим бўлади.

Аёл киши уйдан чиқаётганда эридан рухсат сўраши кераклигига далолат қилувчи ҳадислардан яна бири Оиша розияллоҳу таоло анҳонинг ўша тухмат бўлган қиссадаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан изн сўрашларидир. Оиша онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдиларки: Менга ота-онамнинг олдиларига боришимга рухсат берасизми? Ибн Ҳажар бу ҳадисни шарҳлаб туриб айтдиларки: бу ҳадисдан биз истифода қиладиган нарсамиз, аёл кишининг уйдан чиқиши эрнинг изнига боғлиқдир, гарчи у ўз ота онасининг уйига кетаётган бўлса ҳам. Энди баъзи бир ўринлар борки бу ўринларда аёл киши эрнинг рухсатисиз ҳам уйдан чиқиши мумкин бўлади. Аслида аёл киши уйда ўтириши керак, уйдан чиқмаслик керак агар чиқадиган бўлса, эрдан рухсат сўраш керак.

### **Қуйидаги ҳолатларда эрдан рухсатсиз чиқиш жоиз бўлади:**

**Биринчи ҳолат:** зарурат ҳолати. Масалан, дейлик уйга ўт кетиб қолди (Аллоҳ сақласин) ёки қаттиқ зилзила бўлди ёки уй қулаб тушиш эҳтимоли бор ёки ундан бошқа масалан, уйдан илон чиқиб қолди ёки биров уйига бостириб қиряпти; шу ҳолатларда эрдан рухсат сўраб ўтирилмайди. Агар эр уйда йўқ бўладиган бўлса, бундай ҳолатларда чиқиб кетилаверади. Албатта, бундай ҳолатда чиқиш аёл биринчи ҳолатда шундай зарурат, қўрқинчли, даҳшатга тушган ҳолатларда ҳам биринчи ўринда хижобига югуриши керак бўлади. Мана шу ўринда



бир ажиб қисса ёдимга тушди. Ҳаждан қайтаётган жуда ҳам катта, улкан бир кемада минглаб ҳожилар бўлишган. Ҳаждан Мисрга, юртларига қайтишаётган бўлишган. Кема чўка бошлаган. Кема чўкишни бошлаган пайтда эр хотинига айтадики: Юринг тез чиқайлик! Тезроқ чиқмасак, хонанинг ичида қолиб кетишимиз мумкин. Бу аёл айтадики: Шошманг! Мен ҳижобимни кийиб олай, агар вафот этадиган бўлсам ҳам ҳижобимда вафот этай, деб ҳижобига ёпишиб, ҳижобини кийган экан.

**Иккинчи ҳолат:** Ота-онанинг зиёратига чиқиш. Башарти уларнинг ёшлари катта бўлса, ўзлари зиёратга келиша олмайдиган бўлсалар ёки улар бу аёлнинг хизматига муҳтож бўлсалар. Яъни, қизларининг хизматига муҳтож бўлсалар. У қараб қўйиши лозим бўладиган бўлса, шундай ҳолатда эрнинг рухсати лозим эмас. Албатта, бу хусусда уламолар ихтилоф қилганлар. Гоҳилар ҳар қандай ҳолатда чиқмайди, дейишган, лекин ота-онага нисбатан бўлган ҳурмат, уларга яхшилик қилишнинг лозимлиги, эр ҳам буни тушунишлигининг лозимлиги, эр-хотин ўртасидаги муомала, ҳуснул муошарат, бир-бирининг кўнглига қараш, деган нуқтаи назарлардан келиб чиқиб аёл киши бундай ҳолатларда чиқса бўлади, эри буни билган пайтда қаттиқлик қилмаслиги лозим бўлади.

**Яна чиқиш мумкин бўладиган ҳолатлардан бири:** Мусулмонлар юртига душман бостириб келган пайтда мусулмонлар волийси ҳаммани жиҳодга сафарбар қиладиган бўлса. Бу ўринда аёл эридан рухсат сўрашга эҳтиёж қолмайди.

**Шундай ҳолатлардан яна бири:** Одатда эри унинг чиқишига мувофиқ эканлигини билган ҳолатларда чиқиши. Масалан, ота-онасиникига бўлсин, дарсга бўлсин, биронта дугонасиникига бўлсин, ёки бошқа бир масалан, баъзи бир намозларга масжидга чиқиш бўлсин, одатда эри рухсат беради, чиқишини айтмасдан чикса ҳам рози бўлаверади, рухсат бераверади, шундай ҳолатларда чиқиши мумкин бўлади.

### **Мазкур дарсимидан ушбу фойдаларни олишимиз мумкин:**

**Биринчи:** Аёллар жамоат намозига чиқишлари жоиз;

**Иккинчи:** Эрлар аёлларини масжидга чиқишдан ман қилишликдан қайтарилганлар.

Аёл киши масжидга бўлсин бошқасига бўлсин, фақатгина эрнинг изни билан чиқади ёки агар эри бўлмайдиган бўлса, отасининг ёки акасининг, яъни валийсининг изни билангина чиқади.

**Фойдалардан яна бири:** Эр аёлининг масжидга чиқишини қариқ кўрса, яъни унга рашк қилганлигидан, бироқ уни қайтармаса унда ҳараж йўқ. Агар аёл киши эридан масжидга чиқаман деб изн сўраса, эри унга рухсат бермайдиган бўлса, бу аёл масжидга чикмаслиги керак. Умар розияллоху анху шариат ҳудудлари олдида турарди, яъни тажовуз қилмасди. Шариат аҳкомларини ўзининг рағбати ва хошиш-истакларидан устун қўярди.

**Фойдалардан яна бири:** Эр ўз аёлини ўзи афзал деб билган нарсага мажбур қилиши мумкин эмас.

Бугунги ҳадисимиз аёл кишини уйдан чиқаётган пайтда нималарга риоя қилиши, қайси қонун-қоидаларга амал қилиши хусусида эди. Бу — аёл эрининг рухсатисиз уйдан чиқмаслиги.

Аллоҳ субҳанаҳу ва тоалодан ушбу ўқиб ўтилган ҳадисга амал қилишни ва барчаларимизни эшитиб, кулоқ солиб, итоат қиладиганлардан қилишини сўраб қоламиз.

